

МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАРНИНГ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ

Эрматова Дилбархон Ўтановна
Мамуржонов Аҳроржон
Астанақулов Муҳаммадризо

Манзарали дарарахтларда асосан қўнғизлар, галлар, шира, ўргимчаккана, қуртлар учраб зарар келтиради. Қўйида республикамиз худудида илгари учрамаган қайрағоч қўнғизи ва галлар ҳақида маълумотларни келтирилади. Апрель ойининг ўрталаридан кунларидан қайрағоч қўнғизи тупроқ остидан қишлаб чиқади. Кундузлари қайрағоч дарахтининг янги барглари билан озиклангач, кечалари ҳаво ҳарорати совуқ бўлганлиги сабабли тупроқ остига тушиб кетади. Ёз фасли келгач, қайрағоч қўнғизлари тупроқ остига кетмайди, улар доимий равишда дарахт баргларида ҳаёт кечиради. Кечалари ёруғлик томонга учиши ҳам мумкин. Айрим жинсли ҳашарот. Апрель ойининг охирларига келиб уруғланган урғочиси бир неча донадан 15 донагача тухум қўяди. Тухумлари чиройли сариқ рангда, узунчоқ шаклли, хонқизи тухумига ўхшаш бўлади. Тухумлардан ҳаво ҳароратига қараб 2-3 кунда кунда майда, қора рангли личинкалар чиқиб, баргнинг орқа томонидан кемириб зарар келтиради, натижада ғалвирли тешиклар ҳосил қилади. Ёзнинг иссиқ кунларида улар диапауза ҳолатида бўлади. Бу вақт июнь ойининг охири сентябрь ойининг бошланишига тўғри келади. Қайрағоч қўнғизи қанотларининг ранги ўзгарувчандир, яъни эрта баҳорда қанотларидаги йўллари кўк – қора рангдан, ёзда эса тиниқ сариқ-қора рангга ўзгаради. Қайрағоч қўнғизи баргларида фотосинтез жараёнини издан чиқаради, ўсимлик ўсишдан орқада қолади. Баргларидаги тўқималарни кемириб, зарар келтиради. Зараркунанда билан зарарланган дарахтлар ўзига хос чиройли кўринишини йўқотади. Кураш чорасини белгилаш вақтида қайрағоч дарахти қаерда ўсганига жиддий эътибор бериш керак бўлади. Яъни аҳоли турар жойлари атрофларида ўсган қайрағоч дарахтларига заҳарли препаратларни сепиш тавсия этилмайди, балки заҳарли препаратни сувга қўшиб оқизиш мақсадга мувофиқдир.

Илгари учрамаган яна бир зараркунанда - бу галлалардир. Галлалар синфига кирувчи бу зараркунандалар дарахтларнинг барглари, меваларини, новда ва танасини тешиб, ўз тухумларини жойлаштиради. Тухумлар жойлашган ерда турли шаклдаги шишлар ҳосил бўлади. Шишларнинг ичида зараркунандаларнинг ўзига хос бир тури жойлашган бўлади. Ҳозирча унинг иккита тури ҳисобга олинди. Биринчи тури май ойининг ўрталаридан бошлаб ривожланишни бошлайди. Бу галла ташқи қобиғи юмшоқроқ ва юпқароқ бўлади. Битта баргда биттадан бир нечтагача галлалар бўлалади Галлалар ташқи тузилиши, катта – кичиклиги билан бир

– биридан фарқланади. Галлаларнинг ривожланиши у яшаб турган ўсимликнинг ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Қайрағоч дарахти ўз баргларидаги галлаларнинг ҳаёт кечириши учун озуқа моддаларини етказиб беради. Битта галланинг ичида бир неча донадан йигирма донагача зараркунанда личинкалари ривожланади. Вояга етганидан кейин галларидан тешик очиб, икки қанотли майда, қора рангли ҳашарот учиб чиқади. Галлаларнинг ривожланиши учун эрта баҳорнинг салқин, қисқа кунлари маъқул. Июнь ойида галлалар жуда камайиб кетади ва ёзги диапазага ўтади. Ширалар ҳам манзарали ўсимликларни турига қараб зарарлайди. Масалан, тол ва теракни кучли зарарласа, арча ва чинорни зарарламайди. Табиатдаги бошқа ўсимликлардаги ривожланиши, кўпайиши ва зарарлаши бир хил бўлади.

Ўргимчаккана ҳам шира каби ҳаммаҳўр зараркунанда ҳисобланса ҳам манзарали дарахтларни танлаб зарарлайди. - Бу зараркунанда ҳам қайрағочда кам учрайди, агар ўргимчаккана ушбу дарахтда ривожлана бошласа, табиатдаги бошқа ўсимликлардаги ривожланиши, кўпайиши ва зарарлаши бир хил бўлади. Япониялик мутахасисларнинг кузатишларича (2000 й) эрта баҳорги бир дона ўргимчаккананинг кеч кузгача кўпайишидан 18 млрд дона ўргимчаккана кўпая олган. Бу зараркунандаларга қарши комплекс таъсир этадиган кимёвий препаратдан Циперфос 1 га майдонга 0,2-0,5 гр миқдорда сепилади.

Хулоса. Қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахасисларига маълумки кейинги 30-40 йил мобайнида республикамиз ҳудудида янги турдаги зараркунандалар кўпайиб бормоқда. Баъзи турлар бошқа маданий ўсимликларни ҳам зарарламоқда. Юқорида ёритилган қайрағоч қўнғиз ва галлари ҳам худди шундай зараркунандалардан бўлиб, бошқа ҳудудларга ва тур ўсимликларга ўтиб ривожланишини олдини олиш зарур

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Насритдинов К. “ Ғўза зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш” 35 -36 бет. Тошкент. 1985 й “ Мехнат”
2. Эрматова Дилбархон Ўтановна “Мум куяси қуртини кўпайтиришнинг янги технологияси”
3. Эрматова Дилбархон Ўтановна. Умронов Элдорбек Содирович, Эргашева Дилобархон Низомиддин қизи. ЭХМ учун дастур “ Биофон дастури ”DGU 2020 й № 08297
4. Эрматова Дилбархон Ўтановна, Эргашева Дилобархон Низомиддин қизи. “Ғўзадаги кўсак қуртига қарши бешиктерватар ҳашаротини қўллаш” DGU 2020 й